

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ МО-Р 9-3

2017 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирининг
2017 йил “30” ноябр даги
277 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.

**“ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА АХБОРОТ-
КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

Мазкур ўқув дастури Ўзбекистондаги Британия Кенгаши ва Лондон Метрополитен университети (Англия) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг

2017 йил 22 ноябр даги 5 -сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари” блоки:
с.ф.д., проф.И.Эргашев, ю.ф.н., доц.В.Топилдиев.

“Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”
блоки: п.ф.н. М.Т.Мирсолиева, п.ф.н., доцент К.Рискулова, кат.ўқит.
И.Эшмаматов.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация
технологияларини қўллаш” блоки: кат. ўқит. В. Ҳамидов.

“Амалий хорижий тил” блоки: Ўзбекистондаги Британия
Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат.ўқит. У.Гиясова,
кат.ўқит. Т. Ахмеджанов.

“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” блоки:
ф-м.ф.н., доц. А.Каримов, т.ф.н.В.Э. Каримова, пс.ф.н.,
Х.М. Алимов.

Махсус фанлар бўйича: т.ф.н. В.Э. Каримова, т.ф.н.
Д.Иргашева, кат. ўқит. В. Ҳамидов, Т.Шоймардонов, И.Исомов,
Ш.Адашбоев, А.Обидов.

Ўқув дастури БИММ Илмий-методик Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия
қилинган. (2017 йил “___” _____ даги ___-сонли баённома)

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этиш, таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги, ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим сифатини таъминлаш, олий таълим муассасаларининг электрон ахборот таълим муҳитини шакллантириш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва бошқарувда оптимал қарорлар қабул қилиш технологиялари, олий таълимда сифатни таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларининг ролини ошириш масалаларини қамраб олади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларда олий таълим муассасаларида сифатни таъминлаш борасида раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш, бошқарув ва раҳбарларнинг коммуникацион компетентлиги, ахборот-коммуникация технологияларининг олий таълим сифатини таъминлаш воситаларидан бири эканлиги, ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион сифат менежменти, шунингдек, бошқарув стратегиялари соҳасидаги зарурий янги билим, кўникма ва малакаларни ҳамда компетенцияларни ўзлаштиришга хизмат қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси қуйидаги ўқув модулларидан иборат:

I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари, ахборот-коммуникация технологияларига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

2.2. Таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Олий таълим муассасасининг электрон ахборот таълим муҳитини шакллантириш.

3.2. Электрон ахборот таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва қўллаб қувватлаш.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Тизимли таҳлил асослари.

5.2. Бошқарувда оптимал қарорлар қабул қилиш технологиялари.

VI. Махсус фанлар

6.1. Таълим жараёнларини бошқаришда ахборот-коммуникация технологиялари.

6.2. Ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ёрдамида таълим сифатини бошқариш.

6.3. Таълим сифати мониторингини олиб боришда ахборот технологиялари.

6.4. Таълим сифатини назорат қилишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

VII. Малакавий амалиёт

7.1. Таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрнини белгилаш бўйича фаолият таҳлили.

7.2. Таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрнини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш.

VIII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

“Олий таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари” қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг мақсади – олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг олий таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари борасидаги янги билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш асосида уларнинг таълим сифатини таъминлаш

ва бошқаришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича инновацион компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

“Олий таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари” курсининг асосий вазифалари сифатида тингловчиларни олий таълим сифатини бошқаришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича энг янги ютуқлар, таълим сифатини таъминлашнинг замонавий ёндошувлари, инновацион йўналишлари, соҳадаги халқаро тажрибалар билан таништириш ҳамда уларда таълим сифатини бошқариш бўйича янги билим, амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур курснинг вазифаларига қуйидагилар ҳам киради:

- тингловчиларнинг ўқув жараёнини модернизациялашнинг асосий тамойиллари ва олий таълимда қўлланиладиган инновацион таълим технологиялари билан таништириш;

- ахборот-коммуникация технологиялари тизими, жумладан Интернетдан фойдаланишда хавфсизлик ва этика масалаларини инобатга олиш;

- ахборот-коммуникация технологиялари ва е-таълимнинг ўқув жараёни ўртасидаги ўзаро алоқаларни илмий жиҳатдан ўрганиш;

- бошқарув компетентлиги ва креативлигини такомиллаштириш омилларини тадқиқ этиш;

- ахборот-коммуникация технологиялари ресурслари ва воситалари ёрдамида тингловчиларнинг хорижий тил (инглиз тили)да мулоқот кўникмаларини ривожлантириш;

- олий таълим муассасаларини самарали бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш;

- таълим тизимини, ўқув-тарбиявий жараёни бошқаришда қўлланиладиган ахборот-коммуникация технологияларининг ўрнини белгилаш;

- тингловчиларни ўз таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг самарали жиҳатларини таҳлил қилишга ундаш;

- тингловчиларни таълимда сифатни таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларига асосланган мониторинг тизими турлари билан таништириш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари” қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш йўл-йўриқларини;
- локал ва глобал тармоқларни;
- виртуал ахборот алмашишларни таъминлаш усулларини;
- ходимларнинг ва раҳбар кадрларнинг коммуникацион компетентлигини баҳолаш мезонларини;
- ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларини;
- таълимни бошқариш бўйича кенг тарқалган ахборот тизимларини;
- коммуникацион компетентликни ошириш орқали олий таълим сифатини самарали бошқариш усулларини;
- ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида таълим сифатини таъминлаш бўйича инновацион моделлар ва тажрибаларни;
- раҳбар кадрлар томонидан ўзларининг ва ходимларнинг коммуникацион компетентлигини баҳолаш усулларини;
- ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг хавфсиз ва ҳуқуқий асосларини;
- давлат ва жамиятнинг ахборот хавфсизлигига таҳдидларни;
- давлат, хизмат ва тижорат миқёсидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситаларини *билиши* керак.

Тингловчи:

- раҳбар компетентлигининг турлари ва моҳиятини таҳлил қилиш;
- таълим сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни амалиётда қўллаш;
- электрон ҳужжат айланишини ташкиллаштириш;
- эксперт тизимлардан фойдаланиш;
- ҳисоботларни автоматлаштирилган ҳолда шакллантириш;
- раҳбарнинг коммуникацион компетентлигини ривожлантириш;
- ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида олий таълим сифатини таъминлаш;
- ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш усулларининг анъанавий ва инновацион моделларини аниқлаш ва амалиётга татбиқ этиш;
- ўқув жараёнини ахборот коммуникация технологияларини ўринли (мақсадли) қўллаган ҳолда ташкиллаштириш ва бошқариш;
- ўқув жараёнини бошқариш ва ташкиллаштиришда Web2 технологияларидан унумли фойдаланиш;
- интернет ресурслар ва хизматларидан самарали фойдаланган ҳолда ахборот таълим майдонини лойиҳалаш;

- ахборот тизимлари ёрдамида ўқув жараёнини ташкил қилиш;
- ахборотни ҳимоялаш метод ва воситаларини танлаш ва қўллаш;
- ноқонуний ахборот таъсири ҳаракатларини, манипуляциялашга уринишларни аниқлаш ва уларга қарши туриш;
- хавфсиз ахборот тизимларини яратиш ва бошқариш масалаларини ҳал қилишда ахборот ҳимояси технологияларидан фойдаланиш;
- ахборот-коммуникация технологиялари орқали стандартлар ва сифат моделларини тадбиқ этиш;
- олий таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш;
- электрон мурожаатларни кўриб чиқиш ва таҳлилий хулосалар чиқариш **кўникма ва малакаларига** эга бўлишлари лозим.

Тингловчи:

- оптимал қарорлар қабул қилиш учун ахборот-коммуникация технологиялари манбаларидан фойдаланиш (маълумотлар базаси, моделлар базаси, эксперт тизими ва ҳ.);
- хавф-хатар ва ўзаро алоқалар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тизимли ёндашув асосида маълумотларни таҳлил қилиш;
- олий таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш;
- электрон мурожаатларни кўриб чиқиш ва таҳлилий хулосалар чиқариш;
- долзарб масалаларни он-лайн мулоқотлар, семинарлар, видеоконференциялар уюштириш орқали тезкор ҳал этиш;
- сифат менежментини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ривожлантириш;
- сифат менежменти тизимининг ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ бўлган тамойилларини ишлаб чиқиш **компетенцияларига** эга бўлишлари лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юктамаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

Курс бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш режа-жадвали

| № | Ўқув модуллари | Ҳаммаси | Жами ўқув юкламаси | жумладан | | Мустақил таълим |
|-------------|---|-----------|--------------------|-----------|-----------|-----------------|
| | | | | назарий | амалий | |
| I. | <i>Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари</i> | 14 | 12 | 10 | 2 | 2 |
| 1.1. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият тараққиёти ва таълим-тарбия масалалари | 4 | 4 | 4 | | |
| 1.2. | Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари ва ахборот-коммуникация технологияларига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар | 10 | 8 | 6 | 2 | 2 |
| II. | <i>Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат</i> | 44 | 20 | 14 | 6 | 24 |
| 2.1. | Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш | 22 | 10 | 8 | 2 | 12 |
| 2.2. | Таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги | 22 | 10 | 6 | 4 | 12 |
| III. | <i>Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш</i> | 28 | 14 | 6 | 8 | 14 |
| 3.1. | Олий таълим муассасасининг электрон ахборот таълим муҳитини шакллантириш | 18 | 8 | 4 | 4 | 10 |
| 3.2. | Электрон ахборот таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва қўллаб қувватлаш | 10 | 6 | 2 | 4 | 4 |
| IV. | <i>Амалий хорижий тил</i> | 44 | 34 | | 34 | 10 |

| | | | | | | |
|--------------|---|------------|------------|-----------|-----------|------------|
| 4.1. | Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари | 44 | 34 | | 34 | 10 |
| V. | <i>Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари</i> | 28 | 16 | 6 | 10 | 12 |
| 5.1. | Тизимли таҳлил асослари | 14 | 8 | 4 | 4 | 6 |
| 5.2. | Бошқарувда оптимал қарорлар қабул қилиш технологиялари | 14 | 8 | 2 | 6 | 6 |
| VI. | <i>Махсус фанлар</i> | 88 | 48 | 12 | 36 | 40 |
| 6.1. | Таълим жараёнларини бошқаришда ахборот-коммуникация технологиялари | 14 | 8 | 2 | 6 | 6 |
| 6.2. | Ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ёрдамида таълим сифатини бошқариш | 32 | 18 | 4 | 14 | 14 |
| 6.3. | Таълим сифати мониторингини олиб боришда ахборот технологиялари | 26 | 14 | 2 | 12 | 12 |
| 6.4. | Таълим сифатини назорат қилишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш | 16 | 8 | 4 | 4 | 8 |
| VII. | <i>Малакавий амалиёт</i> | 28 | | | | 28 |
| 7.1. | Таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрнини белгилаш бўйича фаолият таҳлили | 14 | | | | 14 |
| 7.2. | Таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрнини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш | 14 | | | | 14 |
| VIII. | <i>Малакавий аттестация</i> | 14 | | | | 14 |
| Жами: | | 288 | 144 | 48 | 96 | 144 |

“Олий таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари” қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият тараққиёти ва таълим-тарбия масалалари.

Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривожини. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янги назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислохотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари, ахборот-коммуникация технологияларига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим

муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ–4732-сон Фармонида ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ–4860-сонли Фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарори, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4958-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1533-сон Қарори.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 мартдаги «Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 мартдаги «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида»ги 123-сонли буйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруғи.

1992 йил 13 январдаги Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги қонуни, 1999 йил 20 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонуни, 2003 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон

Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни, 2003 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонуни, 2004 йил 29 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонуни, 2012 йил 21 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1730-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 250-сонли қарори ва бошқалар.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Олий таълим тизимини модернизациялаш йўналишлари. Илғор таълим технологияларининг мазмуни ва турлари. Олий таълим тизими ўқув жараёнига илғор таълим технологияларини жорий этиш усуллари. Илғор таълим технологиялари бўйича хорижий тажрибалар. Ўқув материаллари мазмуни, ўқитиш шакли, метод ва воситалари таҳлили. Замонавий ўқитиш воситалари: электрон таълим, Blended learning (аралаш ўқитиш), Вебинар, ўқув лойиҳалари, интерактив методлар ва бошқалар.

2.2. Таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги.

Бошқарув компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Таълим менежерининг коммуникатив, психологик, ташкилотчилик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги. Бошқарув маҳорати асослари ва таркибий қисмлари. Нотиқлик маҳорати. Таълимда менежерлик фаолияти ва уни ташкил этиш. Раҳбарнинг иш юритиш услуги. Бошқарувда вақт менежменти. Бошқарув маданиятига оид этика масалалари. Ходимлар билан муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Бошқарув низоларини самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий раҳбарнинг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштиришида ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти.

Таълим менежерининг креатив салоҳияти. Раҳбарларда креатив компетентликни шакллантиришнинг акмеологик модели. Бошқарув вазифаларини ҳал этишда креативлик. Раҳбар фаолиятини баҳолаш ва ўз ўзини баҳолашнинг ижобий мотивацияси.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Олий таълим муассасасининг электрон ахборот таълим муҳитини шакллантириш.

Электрон таълимнинг асосий жиҳатлари. Ахборот коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкиллаштириш. Таълимда ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиш босқичлари. Электрон таълимни ташкиллаштириш босқичлари. Электрон таълим муҳитини ташкиллаштириш/бошқариш тизимлари (ЎБТ-Learning Management System) таҳлили. Олий таълим тизимида МООС (Massive Online Open Course) ўрни. Ўқув жараёнини ташкиллаштиришда вебинардан фойдаланиш. Электрон таълим муҳитида педагогик дастурий воситалар (симуляторлар)дан фойдаланиш. Виртуал борлик.

3.2. Электрон ахборот таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва қўллаб қувватлаш.

Электрон таълим контентларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаб қувватлашни ташкиллаштириш. Муаллифлик дастурлари (Authoring tools). Электрон ўқув контентларига қўйиладиган стандартлар (SCORM, TinCan) ва LMS ни интеграциялаштириш. Миллий ахборот таълим порталларидаги таълим ресурслари ва улардан унумли фойдаланиш.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалий хорижий тилни

ўрганишнинг интенсив усуллари

Хорижий тил (инглиз тили) ни мустақил ўрганиш ва ўзлаштириш учун керакли интерактив амалий дастурлар ва интернет ўқув порталларидан фойдаланиш. Хорижий тил (инглиз тили) да ҳужжатларни юритиш (расмий ва норасмий ҳужжатларни ўқиб тушуниш ва ёзиш). Хорижий тил (инглиз тили) да расмий ва норасмий учрашув, музокара, йиғилиш ва суҳбатларни бошқариш ва олиб бориш. Хорижий тил (инглиз тили) да тақдимотлар тайёрлаш ва оғзаки тақдим этиш.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Тизимли таҳлил асослари.

Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимнинг хусусиятлари ва тузилмаси. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли таҳлил ва тизимли ёндашув. Тизимли таҳлилни таҳлилий тадқиқотлар асосида ташкил этиш. Тизимли таҳлил ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Қарор қабул қилиш усуллари. Бошқарувда тизимли таҳлил хусусиятлари.

5.2. Бошқарувда оптимал қарорлар қабул қилиш технологиялари.

Бошқарув қарорлари тушунчаси, таснифи, турлари. Бошқарув қарорларини қабул қилишга таъсир этувчи омиллар. Бошқарувда тактик ва стратегик қарорлар қабул қилиш. Қарор қабул қилиш даражалари ва босқичлари. Қарор қабул қилишда рисклари ҳисобга олиш. Низоли вазиятларда бошқарув қарорларини қабул қилиш технологиялари. Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш тажрибаси. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш.

VI. Махсус фанлар

6.1. Таълим жараёнларини бошқаришда ахборот-коммуникация технологиялари.

Таълим жараёнларини бошқариш тизими ва умумий тузилмаси. Олий таълим муассасаларининг ягона ахборот муҳити. Ягона ахборот-таълим тизимини таъминлашда дастурий ва техник таъминот. Таълим жараёнларини бошқаришнинг ахборот-коммуникация технологиялари.

6.2. Ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ёрдамида таълим сифатини бошқариш.

Таълим сифати, уни бошқариш восита ва усуллари. Таълим сифатини бошқаришда олий таълим муассасалари ва жамоатчилик ташкилотларининг вазифалари. Таълим сифатини бошқаришда олий таълим муассасаси ташкилий тузилмалари (ректорат, деканат, кафедра)нинг вазифалари. Таълим сифатини бошқаришда дастурий таъминотларнинг таҳлили. Таълим жараёни ва бошқарув сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари воситалари. Электрон таълим ва унинг аспекти.

Таълимни бошқарувчи тизим (LMS) орқали таълим сифатини бошқариш имкониятлари ва усуллари.

6.3. Таълим сифати мониторингини олиб боришда ахборот технологиялари.

Таълимда мониторинг турлари. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини мониторинги шакл ва воситалари. Таълим сифатини мониторингини олиб боришда ташкилотчиларнинг вазифалари. Таълим сифати мониторингини ташкил этиш бўйича илғор хорижий тажрибалар. Электрон назорат ва сўровлар ўтказиш интернет тизимлари ва дастурий таъминотлари таҳлили. Ўқитиш ва таълим жараёнлари самарадорлиги мониторинги.

6.4. Таълим сифатини назорат қилишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Ахборот хавфсизлиги ва ахборотни ҳимоялаш асослари. Ахборотнинг хавфсизлигида таҳдид ва хавфлар.

Ахборотни ҳимоялаш усуллари ва воситалари. Ахборот ҳимоясининг криптографик усуллари. Идентификация ва аутентификациялаш усуллари. Ахборотни ҳимоялашда тармоқлараро экранлар. Операцион тизимлар ҳимояси. Компьютер вируслари, зараркунанда дастурлар ва улардан ҳимояланиш механизмлари.

VII. Малакавий амалиёт

7.1. Таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрнини белгилаш бўйича фаолият таҳлили.

Малакавий амалиётда тингловчилар танлаб олинган олий таълим муассасасини ўрганишда ва ҳисобот тайёрлашда. Ҳисоботда олий таълим муассасасидаги таълим ва бошқарув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларининг тадбиқ этилиши, олий таълим муассасасининг моддий-техника базаси ва олий таълим муассасасидаги ўқув жараёни ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топиши лозим.

7.2. Таълим сифатини таъминлаш ахборот-коммуникация технологияларининг ўрнини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Малакавий амалиёт ўтиб бўлингандан сўнг тингловчи ҳисобот тайёрлаши керак. Ҳисобот малакавий амалиёт ўталаётган олий таълим муассасасининг бошқа таълим муассасаларига нисбатан устунликлари, уларни ўзи фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасасига тадбиқ қилиш, таклифлар ҳаётга тадбиқ этилганда нималарга эришиш мумкинлиги, мазкур таклифларнинг тингловчи ишлаётган олий таълим муассасасидаги ўқитиш ва таълим олиш ҳамда бошқарув сифатини ошириши имкониятлари масалаларини қамраб олиши лозим.

Лойиҳа (битирув иши) устида олиб бориладиган ишларни ташкил этиш босқичлари.

Лойиҳани расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар:

1. Лойиҳа иши танланган мавзудан келиб чиққан ҳолда индивидуал ёки кичик гуруҳларда бажарилади.

2. Лойиҳада унинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, лойиҳанинг тадқиқ қилинаётган объекти ва предмети, амалда қўлланилиши ўз аксини топиши керак.

3. Лойиҳа ўзида қуйидагиларни мужассамлаштириши лозим:

- ахборот таъминоти (лойиҳада ишлатилаётган маълумотлар, маълумотлар базаси, бошланғич ва якуний назорат маълумотлари ва ҳ.);

- мавжуд ахборот тизимларининг тавсифи ва лойиҳа учун тўғри келадиган тизимни танлаш (LMS, CMS, VLE ва ҳ.лар шарҳи);

- ахборот тизимига оид схемалар, жадваллар, графиклар, алгоритмлар, моделлар, методлар ва ҳ.;

- методик, методологик ва ҳуқуқий таъминот (норматив ҳужжатлар, методик қисмининг тавсифи, кўрсатмалар ва ҳ.).

4. Лойиҳа тақдимотида гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг иштироки ва натижалари кўрсатилган бўлмоғи лозим.

Лойиҳани расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар: илова MS Word, шрифт Times New Roman 14, интервал 0,5.

Лойиҳани баҳолаш мезонлари

Лойиҳани баҳолашда қуйидагилар инобатга олинади:

- мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифаларининг аниқ белгиланганлиги, ишнинг концепциясини аниқ қўйилиши, унинг маънавий-маърифий, ўқув, илмий ва бошқа фаолият турлари мазмунини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлардаги замонавий талабларга мослиги;

- мавзу бўйича муаммони ечимига қаратилган таклифларни ишлаб чиқишда асосли таҳлиллар (меъёрий ҳужжатлар, илғор таълим технологиялари, методик ёндошувлар ва б.) амалга оширилганлиги;

- ишлаб чиқилган таклифларнинг ўқув жараёнини сифатини таъминлаш, илмий ва маънавий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилиши даражаси;

- тингловчининг креативлиги, нутқ маданияти, касбий компетентлик даражаси, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси;

- тингловчининг берилган саволларга аниқ жавоб бериши, мустақил қарашларининг шаклланганлиги.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар жараёнида тингловчиларда таълим сифатини бошқариш фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг амалий жиҳатлари ривожлантирилади. Амалий машғулотлар кичик гуруҳларда таълимнинг интерфаол методларини қўллаган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида махсус ўқишни бошқарувчи тизимда (MOODLE) ташкиллаштирилади. Тизим орқали 24/7 принципи асосида онлайн равишда ўқув модуллари бўйича яратилган электрон ўқув контентларидан фойдаланишлари мумкин бўлади. Ҳар бир ўқув модули якунида махсус электрон назорат турлари (мосликни топиш, бўш қолдирилган жойни тўлдириш, битта тўғри жавобни топиш, бир нечта тўғри жавобни танлаш) мавжуд бўлиб, тингловчининг ўзлаштириш даражаси аниқланиб борилади. Электрон назоратда бериладиган тестларни бир неча бор топшириш имконияти мавжуд бўлади. Тингловчилар ва ўқув модулларининг тьюторлари бир-

бирлари билан форум, чат ёки вебинар коммуникация модулларидан фойдаланган ҳолда мулоқот қилиб туриш имкониятига эга бўлишади.

Интернет таълим тизимларидан (intuit.ru, <http://lms.iite.unesco.org/>) ёки оммавий он-лайн очик курслар (coursera, Edx, Udemу ва бошқ.) орқали мутахасислик йўналиши бўйича (ёки масофавий таълим тизими бўйича) курс (лар)ни мустақил ўрганиб сертификат олиш шарти билан амалга ошириш мумкин.

Moodle платформасида ўқув курсларини шакллантириш бўйича қуйида кўрсатилган ҳавола орқали мустақил таълим сифатида сертификат олиш шарти билан мустақил ўқишлари мумкин: <https://www.udemy.com/moodlefree/learn/> (Бошловчилар учун Moodle 2).

Мустақил таълим тингловчиларга қуйидаги имкониятларни беради:

- ташкилотларнинг стратегик устиворликларига, эҳтиёжларига ва қизиқишларига мос ҳолда институционал даражада сифатни таъминлаш ва оширишнинг амалий жиҳатларини ўрганиш;

- курс жараёнида ўзлаштирилган билимларни, хусусан, сифатни таъминлашнинг концепция ва тамойиллари, миллий талаблар, халқаро тажрибаларни амалий фаолиятнинг аниқ соҳаларида қўллаш;

- кичик гуруҳларда тажриба ва ғоялар билан ўртоқлашган, маълумотларни тўплаган, муаммоларни таҳлил қилган ва қарорни ишлаб чиққан ҳолда ҳамкорликда ишлаш;

- ўзгалар билан ўзининг янги ғоялари ва билимларини ўртоқлашиш, шунингдек ҳамкасбларидан тақриз ҳамда таклифлар олиш мақсадида курснинг барча тингловчиларига ўз лойиҳасидан келиб чиқадиган хулосаларни тақдим этиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ҳамда ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимида киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Ҳар бир курс учун махсус тайёрланган ўқув материаллар, соҳага оид, жумладан АКТ йўналишида мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган илмий ва илмий-амалий мақолалар, Интернет ресурслари, вебинарлар ва он-лайн медиа ресурслари, шунингдек, курс давомида тақдим этилган қўшимча материаллар.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011. -440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 591 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Howell, Jennifer (2012) Teaching with ICT.
2. Digital Pedagogues for Collaboration and Creativity. Oxford University Press.
3. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б., Назирова Э.Ш., Садикова Ш.Ш. Тизимли таҳлил асослари. Тошкент 2014. - 192 б.
4. Потуданская В.Ф., Литвинова О.И., Мамонтов С.А. Современные подходы к развитию организационных структур управления вузом // Российское предпринимательство. — 2012. — № 16 (214). — с. 88-92. — <http://old.creativeconomy.ru/articles/24736/>
5. Хамидов В.С. Методы и модели веб ориентированных адаптивных обучающих систем, Монография, LAP Academic Publishing, Германия, 2015. - 228 с.
6. Хамидов В.С. Эркин ва очик кодли LMS тизимлар таҳлили.// infocom.uz журнали №7, 8. 14 б., 2013 й.
7. Хамидов В.С. Таълим тизимида кескин бурилишга сабаб бўлган 4 дастур ҳақида.// infocom.uz журнали №12. 14 б., 2011 й.
8. Vendors of Learning Management and E-learning Products, By Don McIntosh, Ph.D.(2013). For Trimurti's learning Solutions, Inc. <http://www.trimeritus.com>, Updated Nov. 20, 2013.

IV. Электрон таълим ресурслари

<http://ziyonet.uz/>

<https://data.gov.uz> - O'zbekiston Respublikasi ochiq ma'lumotlar portali

www.edu.uz

<http://bimm.uz/kutubxona/sub/12/>

<http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>

<http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>

<http://learnenglish.britishcouncil.org/en/estudy.uz> - масофавий таълим тизими
my.estudy.uz - академик лицей ўқувчилари учун яратилган масофавий таълим тизими
<http://elearning.zn.uz/> Электрон таълим бўйича блок
<http://lms.iite.unesco.org/> - Юнесконинг масофавий таълим тизими.
<https://www.khanacademy.org> - Khan академияси
<https://phet.colorado.edu/> - «Physics Education Technology» (PHET) сайти
<http://yenka.com> - Симулятор дастурлар мажмуаси
<http://www.nmc.org/> - таълим соҳасида инновацион технологиялар бўйича йиллик ҳисоботлар сайти, NMC NMC Horizon Report
<http://www.celtelearning.org/> - Оммавий онлайн очик курслар сайти
<https://www.coursera.org/> - Оммавий онлайн очик курслар сайти
<https://www.edx.org/> - Оммавий онлайн очик курслар сайти
<https://www.udemy.com/> - Оммавий онлайн очик курслар сайти
<http://ocw.mit.edu/> - Оммавий онлайн очик курслар сайти
<http://lingualeo.ru/> LinguaLeo – ингилиз тилини ўргатиш бўйича яратилган тизим
<http://www.ted.com-Technology Entertainment Design> - Технологиялар, дизайн шиори остида оригинал ғоялар баёноти бериладиган сайт.
<https://ru.pinterest.com/vkhamidov/>- электрон таълимга оид инфографикалар мажмуаси.
<http://www.atutor.ca> - atutor LMS расмий сайти
<http://www.olat.org/>- OLAT LMS расмий сайти
<http://www.dokeos.com> - DOKEOS LMS расмий сайти
<http://www.efrontlearning.net/> eFront LMS расмий сайти
<http://www.ilias.de/> ILIAS LMS расмий сайти
<http://www.dlearn.org/>
<http://lamsfoundation.org>
<http://www.sakaiproject.org>
<http://dc.uz/>
<http://www.active.uz/> - хостинг ва доменлар харид қилиш сайти
<http://vacademia.com>- Виртуал борликда кириш сайти
<https://gnomio.com> MOODLE таълимни бошқарувчи тизимида bepul ўқув курслар яратиш имкониятини берувчи хостинг.
<https://moodle.org> MOODLE LMS расмий сайти.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг
жорий этилишини назорат қилиш
Бош бошқармаси

Бошқарма бошлиғи _____ **С.С.Ниязбеков**

“ _____ ” _____ 201__ й.

М.Ў.

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази

Директор в.б. _____ **Т.Т.Шоймардонов**

“ _____ ” _____ 201__ й.

М.Ў.

